



Сўнгги телеграммалардан билишимизга караганда, Кенагас кабиласига мансуб ўзбек хонадонидан генерал Жўрабек Тошкент шаҳрида, ўзи яшаб турган уйда 25 январ кечаси бир канча хизматкорлари билан бир каторда катл этилган. Телеграммаларда бу катлнинг сабабини интиком дейилсада, лекин хакикий хабарга кўра, шу кунларда Жўрабек хазратлари Бухорода бўлган мол мулкининг ижараси ўларок Бухоро Амири тарафидан бир неча минг рубл олганини эшитган нопок кишилар интиком учун эмас, пулни олиш ва ўгрилик учун жиноят килганликлари маълум бўлди. Генерал Жўрабек авваллари Китоб шаҳрининг мустакил хони бўлиб, кейинчалик Русиянинг душмани сифатида асир тушиб, Туркистон ишларида Русияга садокат билан хизмат килган. Мархум тугма аскар бўлиши билан баробар илм ва маорифни ҳам жуда севган бир киши эди. «Таржимон»ни чиккан кунидан бери доимий ўқувчиларидан эди. (Оллох ундан ўз рахмати дариғ тутмасин.)

Исмоилбек Гаспиринский
«Таржимон» г., 1906 й., 12-сон